



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ

РАИС ҚАРОРИ

Тошкент ш.

№ 378

«30» декабр 2019 йил

**Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси тўғрисидаги низом» ва «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси мурожаати (23.12.2019 й., №01/1-01-17-266) ва Ўзбекистон Республикаси ОАК Иқтисодиёт фанлари бўйича эксперт кенгаши хулосасига (25.12.2019 й., №12) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ОАК Раёсатининг 2019 йил 30 декабрдаги 272/2-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида.

1. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи DSc.30.09.2019.I.92.01 рақамли илмий кенгаш DSc.29/30.12.2019.I.92.01 деб белгилансин.

2. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузурида илмий кенгашга қуйидаги ихтисосликлар бўйича диссертациялар ҳимоясига рухсат берилсин:  
08.00.06—«Эконометрика ва статистика»;  
08.00.14—«Иқтисодиётда ахборот тизимлари ва технологиялари».

3. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий кенгашга қуйидаги ихтисослик бўйича бир марталик илмий кенгаш тузишга рухсат берилсин:

13.00.02—«Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси» (соҳалар бўйича);

4. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги ушбу илмий кенгашнинг 10 кишидан иборат таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур илмий кенгаш таркибининг ярмидан кўпи ушбу кенгаш тузилган муассасанинг штатида фаолият олиб бораётгани маълумот учун қабул қилинсин.

5. Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори ва мазкур илмий кенгаш раиси илмий кенгаш таркибининг Ўзбекистон Республикаси «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисидаги низом» талабларига мувофиқлигини назорат қилсин.

6. Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раҳбарияти ҳар йили илмий кенгашнинг камида иккита мажлисини вилоятларда жойлашган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
ОАК раиси

А.Т. Юсупов